

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

“ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ  
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ” МИЛЛИЙ  
ТАДҚИҚОТ УНИВЕРСИТИ



“Тасдиқлайман”  
ТИКХММИ ўқув ишлари  
бўйича проректори  
проф. Б.Худаяров  
« 18 » 2023 й.

60410800 – “Статистика” (тармоқлар ва сохалар бўйича) таълим йўналиши  
бўйича мутахассисликка кириш амалиёти

ДАСТУРИ

ТОШКЕНТ -2023

Малакавий мутахассисликка кириш амалиётининг дастури Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 20\_\_ йил “\_\_\_” \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_-сонли буйруғи билан тасдиқланган (буйруқнинг иловаси) “Статистика” (тармоқлар ва сохалар бўйича) таълим йўналишининг

Давлат таълим стандарти ва намунавий ўқув режаси асосида тайёрланган. “Тошкент ирригация ва кишлок хўжалигини механизациялаш муҳандислари институту” миллий тадқиқот университети Кенгашининг 20\_\_ йил “\_\_\_” \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_-сонли баёни билан тасдиқланган.

**Тузувчилар:**

- М.Ж.Темирханова · ТИҚХММИ, МТУ “Бухгалтерия ҳисоби ва аудит” кафедраси доценти;  
Г.М.Раҳимова · ТИҚХММИ, МТУ “Бухгалтерия ҳисоби ва аудит” кафедраси доценти;  
М.Ж.Темирханова · ТИҚХММИ, МТУ “Бухгалтерия ҳисоби ва аудит” кафедраси ассистенти.

**Такризчилар:**

- З.Юлдашев · Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси Демография ва меҳнат статистикаси бошқармаси бошлиғи, Phd;  
Э.Т.Шодиев · ТИҚХММИ, МТУ “Бухгалтерия ҳисоби ва аудит” кафедраси Phd.

ТИҚХММИ, МТУ Иқтисодиёт факультети декани

2023 йил “\_\_\_” \_\_\_\_\_




Р.Ҳақимов

ИМЗО

“Бухгалтерия ҳисоби ва аудит”

кафедраси мудири:

2023 йил “\_\_\_” \_\_\_\_\_”



М.Темирханова

ИМЗО

## Кириш

Ўзбекистон Республикасида бозор иқтисодиётини барпо этиш йўлида амалга оширилаётган ислохотлар юқори малакали мутахассислар тайёрлаш ишларини тубдан қайта қуриш зарурияти уларни янги билимлар билан қуроллантирибгина қолмасдан, балки ташкилотчилик ва ижтимоий – сиёсий фаолият, замон талабларига тўла мувофиқлаштиришни кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда.

Давлат статистикасини ислох этиш, давлат статистика қўматаси ҳамда ҳудудий статистик бошқармалар фаолиятини янада такомиллаштириш ҳамда самарадорлигини ошириш ва ривожланиши бўлган «рақамли иқтисодиёт»ни шакллантириш, шунингдек, статистика соҳасидаги умумэътироф этилган халқаро стандартларни миллий қонунчиликка имплементация қилишни жадаллаштириш лозим.

Мамлакатимизда яширин иқтисодиёт даражасини пасайтириш, тадбиркорлик фаолиятини юритиш учун, шу жумладан тартибга солиш ва статистик ҳисоботларни соддалаштириш ҳамда керакли маълумотларни олиш, статистик қонунчилиги талабларига риоя қилиш тартиб-таомилларини автоматлаштириш ва унинг тартибини соддалаштиришни тақозо этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 24 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси ва 2022-2026 йилларда мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини «Инсон кадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили»да амалга оширишга оид давлат дастурида белгиланган вазифалар ижросини ва ҳаёт сифатининг барқарор яхшиланишини таъминлаш ҳамда тадбиркорлик фаолиятини юритиш ва «рақамли иқтисодиёт»ни ривожлантириш учун қулай муҳит яратиш белгилаб олинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг «Ўзбекистон Республикасининг миллий статистика тизимини янада такомиллаштириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги қарорига мувофиқ, бу йилдан бошлаб кўплаб янгиликлар амалиётга жорий этилиши таъкидлаб ўтилди:

«Статистика тизимини такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари қуйидагилардан иборат:

- статистика органларини тегишли, сифатли ва ишончли маълумотларни тўплашга, маълумотларнинг шаффофлиги ва ошқоралигини оширишга йўналтирилган мустақил хизматга айлантириш;
- ўз ваколатлари ва мажбуриятларини кучайтириш орқали Давлат статистика қўмитаси ҳузуридаги Статистика кенгашининг тўлиқ фаолият кўрсатиши;
- Ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланган ҳолда маълумотларни йиғиш, қайта ишлаш, таҳлил қилиш, нашр этиш ва тўплашнинг яхлит тизимини ташкил этиш;
- идоравий маълумотлар базаларини статистик бошқарувнинг ягона тизимига киритиш;

• статистика органлари фаолиятини янада моддий ва техник таъминотини такомиллаштириш орқали худудий статистика органларининг таркиби ва вазифаларини босқичма-босқич оптималлаштириш.»<sup>1</sup>

Фанлар бўйича билимлар мажмуасини ўзлаштириш, назарий ва амалий машғулотлар узвийлигида малака ҳамда кўникмаларни мукаммал шакллантиришда малакавий амалиётнинг ўрни бекиёс.

60410800 – “Статистика” (тармоқлар ва сохалар бўйича) таълим йўналиши бўйича I –курс талабаларининг мутахассисликка кириш амалиёти тўғри ташкил қилиш бўлажак ёш мутахассисларни реал ишлаб чиқариш шароитларига тайёрлашнинг энг муҳим шартларидан бири ҳисобланади.

Ушбу дастур 60410800 – “Статистика” (тармоқлар ва сохалар бўйича) таълим йўналиши бўйича I –курс талабаларининг мутахассисликка кириш амалиёти ташкил этишнинг асоси ҳисобланди.

### **Мутахассисликка кириш амалиётига тегишли умумий қоидалар**

Низомга мувофиқ олий таълим муассасаларининг бакалавриат таълим йўналишларида талабаларнинг малакавий амалиётлари амалдаги ДТС ва ўқув режаларга асосан ҳафталарда белгиланади. Амалиётларга ОТМ ректори буйруғи билан маъсул кафедранинг ишлаб чиқаришни яхши биладиган, тажрибали профессор-ўқитувчилари раҳбарлик қилади.

Амалиёт раҳбарининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

- зарурий тайёргарлик ташкил этиш учун амалиёт объектларига амалиёт
- бошланишидан олдин бориш;
- талабаларнинг амалиётга боришидан олдин ташкилий тадбирлар (амалиёт ўтказиш тартиблари, хавфсизлик техникаси ҳақида кўрсатмалар бериш ва х.к) ни ўтказишни таъминлаш;
- талабаларни кафедра топшириқларида кўзда тутилган илмий тадқиқот
- ишларига раҳбарлик қилиш;
- амалиёт объектларида талабаларни меҳнат шароитлари меъёрдагидек
- таъминланганлигини назорат қилиш;
- талабаларни ички меҳнат тартиб-қоидаларига риоя қилишларини назорат қилиш;
- амалиёт якунлари бўйича талабалар илмий анжуманлари тайёрланишида ва амалиёт натижалари ҳимоясида иштирок этиш;
- талабаларнинг амалиёт бўйича ҳисоботларини кўриб чиқиш ва тавсиянома бериш;
- талабалар амалиёт ўтганлиги ва уларнинг амалий тайёргарлигидаги камчиликлари кўрсатилган, амалиётни янада такомиллаштириш бўйича баён этилган таклифлар, ёзма ҳисоботни кафедра мудирига тақдим этиш;

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг миллий статистика тизимини янада такомиллаштириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида. [https://uza.uz/uz/posts/zbekiston-respublikasining-milliy-statistika-tizimini-yanada-03-08-2020-\(7521\)](https://uza.uz/uz/posts/zbekiston-respublikasining-milliy-statistika-tizimini-yanada-03-08-2020-(7521)).

- барча амалиёт билан боғлиқ ишларни амалиётдан бириктирилган раҳбар билан биргаликда амалга ошириш ва бошқалар.

Амалиёт якунида талаба юқорида айтиб ўтилганидек, ёзма ҳисобот тайёрлайди ва уни бевосита амалиёт объектидан тайинланган раҳбар имзолаган кундалик дафтар билан бирга олий таълим муассасасидан тайинланган раҳбарга топширади. Ҳисобот талабанинг амалиёт даврида бажарган муайян ишлари тўғрисидаги маълумотлар, амалиёт объекти бўлимларининг қисқача изохи, улар фаолиятининг ташкилий асослари, амалиёт натижалари бўйича хулоса ва таклифларни ўз ичига олади.

Амалиёт ўтган ҳар бир талаба:

- амалиёт ўтиш жараёнини янада такомиллаштириш бўйича ўз таклифларини бериши;
- чет эллардаги ишлаб чиқариш тажрибаларини ўрганиши унинг илгор натижаларини амалиётга жорий этишга эътибор бериши;
- ҳисобот мазмунини шакллантиришда ўз танлаган соҳаси бўйича амалиёт давомида олган маълумотларни олдинги маълумотлар ва интернетдан олинган маълумотлар билан қиёсий таҳлил қилиши лозим.

#### **Мутахассисликка кириш амалиёти бўйича билим, малака ва кўникмага қўйиладиган талаблар**

Мутахассисликка кириш амалиётидан кутиладиган натижа ҳамда унинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

1. Талабада таълим йўналиши бўйича амалий кўникма ва малакаларини шакллантириш.
2. Давлат статистика кўмитаси бўлимлари ва хўжалик юритувчи субъектда ўз таълим йўналиши бўйича олиб борилаётган ишлар кўламини ва тизимини ўргатиш.
3. Ўқув амалиётини объекти ва бошқа субъектлар ўртасидаги ҳужжатлар айланишини ўргатиш.
4. Амалиёт объектида мавжуд тартиб қоидалар ва ходимлар ўртасидаги муносабатларни ўргатиш.
5. Амалиёт объектида қарор қабул қилиш ва мустақил ишлашга ўргатиш.
6. Амалиёт объекти ва умумий тармоқ даражасида иктисодий, ижтимоий ва сиёсий ўзгаришлардан хабардор бўлиш.
7. Ижтимоий-сиёсий, ташкилотчилик ва тарбиявий ишлар олиб бориш соҳасида керакли билимларни эгаллаш.
8. Битирув малакавий ишини ёзиш ҳамда илмий ишларни амалга ошириш учун керакли материаллар тўплаш.

#### **Асосий қисм**

##### **Ўқув амалиётининг мақсад ва вазифалари**

Институтнинг 60410800 – “Статистика” (тармоқлар ва соҳалар бўйича) таълим бакалавр йўналиши бўйича I –курс мутахассисликка кириш амалиётини

таълим олаётган талабалар ўқув режасига асосан 3 семестрдан кейин «Статистика» фанидан ўқув амалиётини ўтайдилар.

Ўқув амалиёти жараёнида талабалар энг аввало ўзларининг билимларини мустахкамлаш мақсадида куйидагиларни ўрганади:

Ўқув амалиёти талабаларни тайёрлашда Давлат таълим стандартига, хусусан ўқув режага мувофиқ тарзда ташкил этилади ва у таълим жараёнининг бевосита ишлаб чиқариш шароитида амалга ошириладиган таркибий қисми ҳамда давоми ҳисобланади.

Ўқув амалиётнинг асосий мақсади - талабани бевосита таълим стандарти талабларига мувофиқ мустақил ишлашга тайёрлаш, ўзлаштирган назарий билимларини чуқурлаштириш ва мустахкамлаш, жамоада ташкилотчилик ва тарбиявий ишлар олиб бориш бўйича тажриба ҳосил қилиш, корхонанинг ташкилий бўлинмалари тузилишини ва функционал масалаларини ўрганиш, йўналишларни шакллантириш ва тадбиқ этишнинг иқтисодий кўрсаткичларини ҳисоблаш бўйича амалий кўникмаларини эгаллаш ҳамда битирув малакавий ишини бажариш учун материалларни тўплаш ҳисобланади.

60410800 – “Статистика” (тармоқлар ва соҳалар бўйича) таълим бакалавр йўналиши бўйича I –курс мутахассисликка кириш амалиётини ташкил этишда талабаларнинг Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитаси тизими, Давлат статистика кўмитаси таркибий тузилмаси, жисмоний шахслардан олинadиган ҳисобот турлари, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахсларни статистик ҳисоботни бажарилишини назорат қилиш бўйича амалий билим ва кўникмаларини чуқурлаштириш ҳамда кенгайтиришга ҳам алоҳида эътибор қаратиш зарур.

60410800 – “Статистика” (тармоқлар ва соҳалар бўйича) таълим бакалавр йўналиши бўйича I –курс мутахассисликка кириш амалиётини даврида талабаларни давлат статистика бўлимлари, корхона ва ташкилотлар амалий фаолияти билангина эмас, балки унинг жамоат ишлари билан ҳам яқиндан таништириш мақсадга мувофиқ.

### **Ўқув амалиётининг мазмуни**

“Статистика (тармоқлар ва соҳалар бўйича)” таълим йўналиши бўйича мутахассисликка кириш амалиёт даврида талабаларнинг иш жойи бўлиб, Давлат статистика кўмитаси ва ҳудудий бўлимлари ҳисобланади.

Амалиёт даврида талабалар Давлат статистика кўмитасининг таркибий тузилиши. Давлат статистика кўмитасининг асосий вазифалари. Давлат статистика кўмитасининг ҳуқуқлари. Давлат статистика кўмитасининг мажбуриятлари. Давлат статистика кўмитасининг бошқа органлар ва ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлиги. Давлат статистика кўмитасининг мансабдор шахслари. Ҳудудий бўлимлари ходимлари. Давлат статистика кўмитасининг мансабдор шахсларини тайинлаш. Давлат статистика кўмитаси мансабдор шахсларининг хатти-ҳаракатлари ва қарорлари устидан шикоят қилиш. Давлат статистика кўмитасининг мансабдор шахсларининг жавобгарлиги. Давлат статистика кўмитасининг мансабдор шахсларини

ижтимоий ҳимоялаш, уларнинг мулкӣ ва шахсий номулкӣ ҳуқуқларини муҳофаза қилиш. Давлат статистика кўмитасининг мансабдор шахсларининг моддий ва ижтимоий таъминоти. Халқаро ҳамкорлик тартибини ўрғанади. Кафедра профессор-ўқитувчилари амалиётга раҳбарлик қилади, ҳамда доимий равишда амалиётнинг ўтиши устидан назорат олиб боради.

Талабалар корхонада ишлаб чиқариш технологияси, ҳамда бухгалтерия ҳисобини ташкил қилиш бўйича қуйидагиларни ўрғаниши керак:

Статистика фанига кириш,  
Таъсвирӣ статистика кўрсаткичлари,  
Вақтли қаторлар,  
Ижтимоий-иқтисодий статистика,  
Аҳоли статистикаси,  
Меҳнат бозори статистикаси,  
Миллий ҳисобчилик ва макроиқтисодий курсаткичлар тизими,  
Молия бозори статистикаси,  
Ташқи иқтисодий фаолият статистикаси,  
Аҳоли турмуш даражаси статистикаси.

#### **Амалиёт ўтказишни ташкил этиш**

Талабаларни амалиётга олиб боришдан олдин корхона, ташкилот ва уюшмалар билан институтнинг ўзаро мажбуриятлари шартнома асосида аниқланади.

Амалиёт шартномаларни тузиш учун амалиёти ўтилиши режалаштирилган ташкилот раҳбарларига олий ўқув юрти маъмурияти томонидан сўров хати тақдим этилиши керак. Бунда ташкилот раҳбари ўқув амалиёти даври ва амалиёт ўтиш режалаштирилган муддатлар билан олдиндан таништириши керак.

#### **Мутахассисликка кириш амалиётини ўтишда талабаларнинг вазифалари ва бурчлари**

- Белгиланган вақтда амалиёт ўтайдиган жойга бориши;
- Амалиёт ўтаётган корхонада белгиланган тартибга риоя қилиш, меҳнат қонунчилигида белгиланган тартибга бўйсунуши;
- Тасдиқланган календар режага амал қилиши ва бажариши;
- Ўқув амалиёти раҳбарининг берган топширигини тўлиқ ва ўз вақтида бажариши;
- Ҳар куни бажарган ишлари бўйича кундалик юритиш, ҳамда бажарилиши тўғрисида амалиёт раҳбарига тасдиқлатиш;
- Амалиёт ўтиш тўғрисида ҳар куни белгиланган режага мувофиқ ҳисобот ёзиш амалиётнинг охириги кунда тайёр бўлиши керак;
- Ҳисоботга амалиёт ўтаган талабага берилган тавсифнома илова қилинади;
- Талаба ўқув амалиётини ўтаганлиги тўғрисидаги ҳисоботни кафедрага белгиланган муддатда топширади ва ҳимоя қилади.

## Мутахассисликка кириш амалиёти раҳбарининг вазифалари ва бурчлари

Амалиётини ташкил қилиш ва раҳбарлик қилишни институтнинг «Бухгалтерия ҳисоби ва аудит» кафедраси томонидан амалга оширилади.

Ҳар бир амалиёт ўтаётган корхонага институтдан белгиланган кафедранинг ўқитувчиларидан бири раҳбарлик қилади. Бундан ташқари амалиётни ўтайдиган талабалар учун ҳар бир корxonанинг ўзида корхона раҳбари ёки бош бухгалтер томонидан раҳбар тайинланади ва улар қуйидаги вазифаларни бажарадилар.

- Амалиёт раҳбари амалиётга келган талабаларни давоматини текширади;
- талабага ўқув дастурга мувофиқ календар режасини тузади.
- режада иш кунлар сони, мавзулар аниқ кўрсатилади.
- амалиётни ўтиш жараёнини назорат қилади ва талабаларга тегишли маслаҳатлар беради.
- календар режасини бажарилишини назорат қилади.
- амалиётга тайинланган раҳбар, ҳар бир талабанинг календар режаси билан танишиб, талабанинг календар режаси бўйича ишлашини таъминлайди.
- амалиётининг тугашида ҳисоботнинг ёзилиш сифати, мазмунининг назорат қилади.
- амалиёти тугаганда ҳар бир талаба кундалигига алоҳида тавсифнома (характеристика) беради.
- ҳисоботни баҳолайди.

## Мутахассисликка кириш амалиёти тўғрисидаги ҳисоботни тайёрлаш

Амалиётнинг тугашида ҳар бир талаба бажарган иши бўйича ҳисобот топшириши керак. Ҳисобот белгиланган мавзулар бўйича ёзилади. Мавзуларга оид бухгалтерия ҳисоби бошланғич ҳужжатлари ва ҳисоботлар камида битта нусхада тўлдирилиши ва ҳисоботга илова тарзида киритилиши лозим. Ҳисоботда албатта ҳар бир бўлим ва ундаги ҳужжатлар тартиб билан ва мавзуларни ҳисобга олган ҳолда тикилиши лозим. Ҳисобот таркибида қуйидаги маълумотлар келтирилиши керак:

Кириш. Ҳисоботнинг кириш қисмида талабалар корхоналарнинг бухгалтерия ҳисобни юритишда амалга оширилаётган ислохотлар ва уларнинг аҳамияти, корхоналарда бухгалтерия ҳисобини ташкил этилишининг бугунги ҳолати ва раънақи, ҳамда бухгалтерия ҳисобини ташкил этишда замонавий технологиялар ва дастурларнинг ўрни.

### Асосий қисм.

Асосий қисмда қуйидаги мавзулар ёритилиши лозим:

- Статистика фанига кириш,
- Таъсвирий статистика кўрсаткичлари,
- Вактли каторлар,
- Ижтимоий-иқтисодий статистика,
- Аҳоли статистикаси,



- Мехнат бозори статистикаси,
- Миллий ҳисобчилик ва макроиктисодий курсаткичлар тизими,
- Молия бозори статистикаси,
- Ташқи иқтисодий фаолият статистикаси,
- Аҳоли турмуш даражаси статистикаси.

### **Хулоса**

Ҳисоботнинг хулоса қисмида ҳар бир талаба мутахассисликка кириш амалиёти давомида олган тассуротларини баён этиши керак.

Талабалар ҳисоботни белгиланган тартибда ёзиб кафедрага топширади.

### **Амалиёт кундалигини тўлдириш**

Мутахассисликка кириш амалиёти давомида ҳар бир талабадан мустақил амалиёт кундалик дафтари юритиш талаб этилади. Кундалик дафтари ягона шакли «Бухгалтерия ҳисоби ва аудит» кафедраси ўқитувчилари томонидан ишлаб чиқилиб, кафедра мажлисида тасдиқланади.

Ҳар бир талаба амалиёт кундалик дафтари амалиётнинг биринчи кунидан бошлаб то охиригача тулдириб бориши керак. Амалиёт кундалик дафтари амалиёт ҳисоботини тузиш учун зарур бўлган барча маълумотларни туплайдиган иш дафтари ҳисобланади. Шунга кура ҳар бир талаба амалиёт кундалик дафтарида амалиёт саналари бўйича амалиёт объекти ва унинг бўлимлари ҳамда амалиёт мавзусининг қисқача изоҳи ёритиб борилиши керак.

Амалиёт кундалигида амалиёт таквими, амалиёт раҳбарининг хулосаси, амалиёт натижаси бўйича комиссия аъзоларининг хулосаси ва қўйган баҳоси акс эттирилади.

Амалиёт тўғрисида ҳисоботни расмийлаштириш ва ҳимоя қилиш «Мутахассисликка кириш» фанидан ўқув амалиётини ўтказгандан сўнг бажарилган ишлар бўйича ҳисобот ёзилади. Одатда ўқув амалиётининг ҳисобот ўлчамлари 210x297 мм бўлган А-4 ёзув қоғозининг бир томонига қўлда ёзилади ва унинг ҳажми ҳар бир бакалаврият йўналиши учун ўқув режасида белгиланган ўқув амалиёти соатларидан келиб чиққан ҳолда тахминан 20-25 бетни (иловаларсиз) ташкил этиши мумкин. Ҳисоботни кафедра томонидан ишлаб чиқилган услубий қўлланма асосида расмийлаштириш куйидаги ҳужжатлар асосида бажарилади. Ҳар бирҳужжатнинг намунаси асосида ҳисобот тайёрланади.

1. Ҳисобот титул varaқаси -1 бет.
2. Институт ректори томонидан амалиётни ўтказиш тўғрисида чиқарилган буйруқдан ёки йўлланма нусхаси -1 бет.
3. Кундалик дафтар (ишлаб чиқариш объекти раҳбари ёки мутахассислари томонидан тасдиқланиб муҳрланган ҳолда) -1 дафтар.
4. Амалиёт объекти ва унинг фаолиятида бажарилган ишлар тугрисида ҳисобот -15-20 бет.
5. Бухгалтерия ҳисоби бошланғич ҳужжатлари нусхалари.

Юқоридагилар ҳисобот шаклида тикилиб, «Бухгалтерия ҳисоби ва аудит» кафедрасига «Бухгалтерия ҳисоби» фанидан ўқув амалиёти тугатган кундан бошлаб 3 календарь куни муддатида топширилади.

«Бухгалтерия ҳисоби ва аудит» кафедраси мажлис қарори билан амалиёт натижалари тўғрисида ёзилган ҳисоботларни баҳолаш ҳайъати тузилади. Ҳайъат раиси томонидан ҳисоботни қабул қилиш вақти ва жойлари белгиланади. Ҳисоботни ҳимоя қилмаган, топширмаган ёки қоникарсиз баҳоланган талабаларга ҳайъат аъзолари амалиётни қайта ўтказиш тўғрисида қарор чиқаради..

#### **Амалиёт даврида талабаларнинг жамоат ишларида қатнашиши**

Ҳар бир талаба амалиёти ўтганда жамоат ишларида фаол қатнашмоғи лозим. Талабалар жамоа ишларида фаол қатнашиши ҳамда жамоатчилик томонидан берилган тоғанирикларни аниқ, ўз вақтида бажариш керак. Амалиёт пайтида талабалар ҳозирги куннинг муаммолари бўйича мавзулар ўқиши ва суҳбатлар ўтказиши лозим.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

##### **Асосий:**

1. Shodiyev X. Statistika (darslik) –Т.: 2022
2. Ya. Abdullayev va boshqalar. Statistika (darslik) Т.: 2021
3. Soatov N.M., Nabiev X., Nabiev D.X., Tillaxo'jaeva G.N.. Statistika. Darslik. – Т.: TDIU, 2021. – 548 bet.
4. Shodiyev X. Statistikadan praktikum (o'quv qo'llanma) –Т.: 2022
5. Ayubjonov A.H., Mamatqulov B.X., Sayfullaev S.N. Statistika fanidan amaliy mashg'ulotlarni o'tkazish uchun o'quv qo'llanma. – Т.: TDIU, 2021. – 180 bet.
6. Mamatqulov B.X, Utanov B.Q. Qishloq xo'jaligi statistikasi. Toshkent. TDIU nashriyoti, 2019. - 241 bet.
7. Axmedov A.K ., Raxmataliyev M.E., Tashxodjayeva G.S. Qishloq va suv xo'jaligi statistikasi. –Т.: TIQXMMI nashriyoti, 2021. - 205 bet.

##### **Қўшимча:**

1. O'zbekiston Respublikasining “Davlat statistikasi to'g'risida”gi qonuni. 2002 yil 12 dekabr, №441-P. // O'zbekiston Respublikasi Qonun hujjatlari to'plami, 2002, №24, 26-31 b.
2. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining “O'zbekiston Respublikasi Qishloq xo'jaligini rivojlantirishning 2020 — 2030 yillarga mo'ljalangan strategiyasini tasdiqlash to'g'risida”gi 2019-yil 23-oktabrdagi PF-5853-son Farmon.
3. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining “Raqamli O'zbekiston — 2030” strategiyasini tasdiqlash va uni samarali amalga oshirish chora-tadbirlari to'g'risida” gi 2019-yil 18-martdagi PQ-4243-son Qarori.

4. Практикум по теории статистики. Под ред. Шмойловой Р.А. – М.: Финансы и статистика, 2006.
5. Практикум по социально-экономической статистике. Под ред. Назарова М.Г. – М.: КноРус, 2009.
6. Мелкумов Я.С. Социально-экономическая статистика: учебное пособие. М.: ИНФРА-М, 2008
7. Основы национального счетоводства (Международный стандарт): учебник / под ред. Ю.Н. Иванова. – М.: ИНФРА-М, 2005.
8. Международная статистика: учебник / под ред. Б. И. Башкатова, А.Е. Суринова. – М.: Юрайт, 2010.
9. Rangaswamy R. A Textbook Of Agricultural Statistics. Tamil Nadu Agricultural University, Coimbatore. ISBN-13: 978-9388818995. 2020. - 531 Pages.
10. Shodiev X. Moliya statistikasi: darslik. – Т.: “IQTISOD-MOLIYA”, 2010. – 320 b.
11. Shodiyev X. Moliya statistikasidan praktikum. – Т.:IQTISOD-MOLIYA, 2008.
12. Maxmudov B. Milliy hisoblar tizimi. –Т.: Akademiya, 2003. – 158 s.
13. Qoraboev A.R. Milliy hisoblar tizimi fanidan masalalar to'plami. O'quv uslubiy qo'llanma. – Т.: “IQTISOD-MOLIYA”, 2008. – 140 b.
14. Nabixo'jaev A. va boshqalar. Moliyaviy dasturlash. O'quv qo'llanma. – Т.: Iqtisodiyot, 2010

#### **Интернет сайтлари:**

1. Soatov N.M. Statistika. Darslik. – Т.: Abu Ali ibn Sino, 2003. – 743 bet.
2. <https://www.cdc.gov/nchs/data/vsrr/VSRR015-508>
3. <https://www.cdc.gov/nchs/data/databriefs/db418>
4. <https://www.cdc.gov/nchs/data/nvsr/nvsr70/nvsr70-10>
5. <https://www.elibrary.ru/contents.asp?titleid=28212>
6. <https://statecon.rea.ru/jour/article/view/1569>

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

“ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦ  
ИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ” МИЛЛИЙ ТАДҚИҚОТ  
УНИВЕРСИТ

«ИҚТИСОДИЁТ»  
факультети

Руйхатга олинди № \_\_\_\_\_  
« \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ 2023 й.

«БУХГАЛТЕРИЯ ХИСОБИ ВА  
АУДИТ»  
кафедраси

Руйхатга олинди  
№ \_\_\_\_\_  
« \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ 2023 й.

60410800 – “Статистика” (тармоқлар ва сохалар бўйича) таълим йўналиши  
бўйича мутахассисликка кириш амалиёти

**ҲИСОБОТИ**

\_\_\_\_\_ (амалиёт ўтилган корхона номи)  
Ҳисоботни тайёрлади: \_\_\_\_\_  
( талабанинг курс, гуруҳ, ф.и.ш.)  
Илмий раҳбари: \_\_\_\_\_  
(лавозими, Ф.И.Ш.)  
Ҳисобот химоя қилинган ҳайъат аъзолари: \_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_

Химоя натижаси: « \_\_\_\_ » балл « \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ 2023 й.